

ЮНЕСКО «ЖАҲОН ХОТИРАСИ» ДАСТУРИГА АЛ-МОВАРДИЙНИНГ «АЛ-АҲКОМ» АСАРИНИ ТАҚДИМ ЭТИШ ТАЖРИБАСИДАН

Нуритдинов Ҳабибулло Абдуллаевич, «Қўлёзмалар, нодир ва алоҳида қимматга эга нашрлар» хизмати бош мутахассиси

Мақолада Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг «Қўлёзмалар, нодир ва алоҳида қимматга эга нашрлар» хизмати фондида сақланаётган Абу ал-Хасан Али ибн Муҳаммад ибн Ҳабиб ал-Басрий ал-Мовардийнинг «Al-Ahkam Al-Sultaniyyah Wa Al-Walayah Al-Diniyyah» (Ўзб. «Салтанат қуриш асослари ва бошқарув таълимотлари») қўлёзма асари ҳақида бўлиб, ушбу асарни ЮНЕСКО «Жаҳон хотираси» дастурининг халқаро номинациясига топшириш масалалари, номинация ишларини олиб боришда ахборот-кутубхоначилик фаолиятига таъсири ҳамда орттирилган тажрибалар ҳақида сўз юритилади.

«Жаҳон хотираси» деганда, ҳужжатли мерос, яъни дунё халқларининг умумий ҳужжатли хотираси ёки мероси тушунилади. Унинг ёрдами билан инсоният томонидан эришилган ютуқ ва кашфиётларни кузатиш мумкин. Ҳозирги вақтда «Жаҳон хотираси» манбалари кўпгина кутубхона, архив, музей ёки бошқа жойларда сақланиб ётибди. Инсоният тарихида қанчадан қанча ҳужжатли мерослар турли сабабларга кўра йўқ бўлиб кетгани, замонавий даврга келиб ҳам бундай таҳдидлар давом этаётгани, у табиий ёки инсоний таҳдидлар бўладими, жаҳон тарихи учун муҳим бўлган ҳужжатларга турли хавф-хатарлар олдини олиш мақсадида ЮНЕСКО ташкилоти томонидан 1992 йил «Жаҳон хотираси» дастури ташкил этилди.

«Жаҳон хотираси» дастурининг асосий мақсади — «бутунжаҳон ноёб ҳужжатли меросни ўрнатилган тартиблар асосида асрашга ҳамкорлик қилиш»; «ноёб ҳужжатли меросга оммавий тарзда фойдаланиш учун кўмак бериш»; «ноёб ҳужжатли мероснинг маъно-мазмунни ва мавжудлиги ҳақидаги маълумотни бутунжаҳон даражасида тарғиб қилиш» каби масалалардан иборат.

ЮНЕСКО «Жаҳон хотираси» дастурининг минтақавий тузилиши қуйидагича:

1. Осиё ва Тинч Океани минтақаси; 2. Араб дунёси минтақаси;
3. Африка минтақаси; 4. Европа ва Шимолий Америка минтақаси;
5. Лотин Америкаси ва Кариб хавзаси минтақаси; 6. Халқаро таш-

килотларнинг «Жаҳон хотираси» каби ташкилотларидан иборат. Ҳар бир минтақадаги давлатлар ўзининг маҳаллий қўмиталарини тузади ёки ЮНЕСКОнинг Миллий комиссиялари томонидан фаолиятлари олиб борилади.

«Жаҳон хотираси» дастурининг «Осиё ва Тинч Океани минтақаси» бўйича минтақавий ташкилоти 1998 йил ташкил этилди. Унинг бош котибияти Ганкон шаҳри (ХХР)да жойлашган. Ўзбекистон Республикаси ушбу ҳудуднинг минтақавий ташкилотига аъзо ҳисобланади. Шунингдек, ушбу минтақа доирасига Қозоғистон, Туркменистон, Тожикистон, Қирғизистон, Хитой, Корея Республикаси, Япония, Ҳиндистон, Афғонистон, Эрон, Покистон, Бангладеш, Мўғилистон, Бирма, Вьетнам, Лаос, Камбоджа, Таиланд, Сингапур, Малайзия, Индонезия, Корея Халқ Демократик Республикаси, Австралия, Янги Зеландия ва бошқа Тинч Океани ҳудудидаги давлатлар аъзо бўлган.

Ушбу Дастур ҳужжатли меросларни халқаро, минтақавий ва маҳаллий даражаларда рўйхатга олади. Барча даражаларга тақдим этилган номинациялар жаҳон аҳамиятига эга ҳамда кўпгина олимлар томонидан ўрганилган бўлиши зарур. Айниқса, халқаро ва минтақавий даражаларга топширилган номинациялар танлов талабларига жавоб берган ҳужжатли мерослар Дастурнинг Халқаро консультатив қўмитаси маъқуллагандан ва ЮНЕСКО Бош директори тасдиқлагандан сўнг халқаро ёки минтақавий даражага оид эканлиги тўғрисидаги ташкилотнинг эмблемаси тақдим этилади.

Масалан, «Жаҳон хотираси» дастурининг халқаро номинацияси рўйхатига Ўзбекистондан 1997 йил Усмон Қуръони (Ўзбекистон мусулмонлар идорасида сақланади) ҳамда Ўзбекистон Фанлар академияси қошидаги Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти (ҳозирги вақтда Тошкент Давлат шарқшунослик институти қошидаги Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқ қўлёзмалари маркази)даги қўлёзмалар тўпламлари киритилган.

Бундан ташқари, ЮНЕСКО «Жаҳон хотираси» дастурининг расмий ёки унинг «Осиё ва Тинч Океани» бўйича минтақавий ташкилотининг электрон веб-саҳифаларига кириб Ўзбекистондан халқаро ёки минтақавий даражада рўйхатга олинган ҳужжатли меросларни қидириб, бошқа давлатлар билан солиштирилганда, Ўзбекистон учун бу ҳол ачинарли вазиятни кўрсатмоқда. 1997 йилдан эътиборан қўшни Қозоғистондан — 3 та, бошқа давлатлар: Мўғилистондан — 3 та, Австралиядан — 5 та, Таиланддан — 4 та, Филиппинлардан — 4 та ва ҳоказолардан ҳужжатли мерослар рўйхатга олинган.

Минтақавий даражада эса қўшни давлатлардан ҳеч қайси бир давлатнинг номинацияси мавжуд эмас.

Миллий кутубхонада сақланаётган Ал-Мовардийнинг «Ал-Аҳқом» қўлёзма асарини «Жаҳон хотираси» дастурининг халқаро номинациясига топширишда олиб борилган ишлар осон кечмади. Бу борада 2009 йил декабрь ойи охирларидан 2011 йил йил охирига қадар ишлар олиб борилди. Ал-Мовардийнинг «Ал-Аҳқом» қўлёзма асари «Жаҳон хотираси» дастурининг халқаро номинациясига тўғри келиши бўйича минтақавий ҳамда марказий идораларидан жавоб олиниб, керакли тавсиялар ва таклифлар олинди. Номинация ишлари бўйича кўрсатилган камчиликлар юзасидан ҳеч қандай ишлар амалга оширилмай 2011 йилдан 2014 йил август ойига қадар тўхтаб қолди. 2014 йил сентябрь ойида ЮНЕСКО ишлари бўйича Корея Республикаси ҳамда Қирғизистон Республикаларининг ЮНЕСКО ишлари бўйича Миллий қўмиталари ҳамкорлигида Бишкек шаҳрида «Жаҳон хотираси»нинг «Осиё ва Тинч Океани» бўйича минтақавий ишчи семинари ўтказилди. Ушбу семинарда Ўзбекистондан ташқари, Афғонистон, Бангладеш, Непал, Қозоғистон, Қирғизистон, Эрон ва Вьетнам давлатларининг вакиллари иштирок этди. Семинарда «Осиё ва Тинч Океани» минтақавий ташкилоти экспертлари иштирок этиб, халқаро ва минтақавий даражаларга номинацияларни қандай тартиб-қоидаларга кўра топширишлари зарур эканлиги ҳақида маълумотлар бердилар. Ҳар бир давлат иштирокчиси ўзининг номинацияси бўйича тақдимотини амалга ошириб, экспертлар ўзларининг керакли таклиф ва маслаҳатлари ҳамда камчиликлар бўйича фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашдилар.

Экспертлар томонидан берилган асосий тавсиялар қуйидагилардан иборат бўлди:

– реестр шаклининг 1.0 бандида қўлёзма (асар) ҳақида қисқа (200 сўздан иборат), лўнда маълумот бериш;

– қўлёзманинг ёзилган вақти, жойи ва ким томонидан ёзилганлиги тўғрисидаги варагининг йўқлиги сабабли шу маълумотларни аниқлаш масаласи (3.2 банди);

– китобнинг кутубхонага келиш тарихи бўйича маълумотлар йўқлиги сабабли, изланишлар олиб бориш (3.4 банди);

– изланиш ва тадқиқотлар жараёнида ўрганилган адабиётлар рўйхатини тузиш, рўйхатни имкон қадар фарб олимлари асарларидан тузиш, агар кириллчадаги асарлар бўлса, уларни лотинчада киритиш (3.5 банди);

– кутубхона даражасида ҳужжатли меросларга нисбатан ишлаб чиқилган норматив-ҳуқуқий асосларни келтириш (4.3 банди);

– асарнинг жаҳон миқёсидаги аҳамияти, яратилишидан эътиборан унинг хусусиятига кўра, жаҳонда ягоналиги, ноёблиги, ўрни ва аҳамияти (таъсир даражаси), ушбу асар яратилмаганда қандай вазиятлар юз берган бўлиши мумкинлиги, айниқса, ислом оламида давлат бошқарувининг шаклланиши, асар таъсирининг географик кенглиги, асар яратилгандан ҳозирги вақтга қадар унинг таъсири (ижобий ёки салбий)нинг ўрни ва аҳамиятлари (5.2 банди);

– қиёсий мезонлар (5.3 банди) бўйича:

1) вақт (ёки давр): асарнинг ҳақиқатдан ҳам ўз даврига хослиги (тарихий, маданий, ижтимоий жараёнлар таҳлили асосида); асар ўша даврга кўра янгилик ёки ўзига хос эканлиги;

2) жой (географик ҳудудга нисбатан): асарнинг ўз ҳудуди бўйича бирон-бир маълумот бераётганлиги; ёзилган асар ҳудудининг жаҳондаги тарихий ва маданий аҳамияти; ушбу ҳудуднинг жаҳон тарихий жараёнларига таъсири; асарда атроф-муҳит, макон ёки ҳудудийликнинг акс этиши;

3) инсонлар: асар матнида инсон омили, ижтимоий, ишлаб чиқариш, давлат бошқаруви, сиёсий аспектларнинг акс этиши; асар буюк ўзгаришлар, инқирозлар, ривожланишлар, ўтиш жараёнларини қамраши; асарда тарихий ёки машҳур шахслар ҳақида бирон-бир маълумот берилиши;

4) предмет ва мавзу: асарнинг табиий, социал, ижтимоий-гуманитар ёки бошқа фанларда муҳим тарихий, илмий аҳамият касб этиши; асарнинг сиёсат, маданият, мафкура, санъат ва бошқа соҳалардаги ўрни;

5) шакл ва услуб: асарнинг юксак эстетик, стилистик, лингвистик аҳамиятлари (бу ерда Тошкентдаги иккинчи нусхаси, Миср, Ирландия, Сурия ва Ямандаги нусхалари солиштирилди); асардаги ушбу юксак намуналарнинг йўқолиб бораётган шакл ва услублари мавжуд эканлиги;

6) ижтимоий/маънавий аҳамияти: асарнинг ҳозирги даврда инсонларга, жамоатчиликка таъсири; асарнинг инсонлар, жамоатчилик, ташкилотлар ва бошқалар томонидан алоҳида эътибор берилганлиги; асарнинг инсонлар, жамоатчилик, ташкилотларда ва бошқаларда маънавий ўрни ва аҳамияти (ижобий ёки салбий) каби маълумотлар бўйича тадқиқотлар олиб борилди.

Юқорида келтирилган номинациянинг реестри бандларидаги талаблари асосида 2014 йил сентябрь ойида Бишкекда ўтказилган семинардан сўнг дастурнинг минтақавий экспертлар томонидан билдирилган таклифларига кўра ишлар олиб борилди. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ушбу семинар ва

халқаро даражага тавсия этилаётган номинация бўйича амалга оширилиши зарур бўлган ишлар ҳақида маълумотнома йўлланди. Вазирлар Маҳкамасининг жавобига асосан Ташқи ишлар вазирлиги, Адлия вазирлиги ҳузуридаги Ҳадича Сулаймонова номидаги Республика суд экспертиза маркази, Тошкент Давлат шарқшунослик институти ҳузуридаги Шарқ қўлёзмалари маркази, Ўзбекистон муслмонлари идораси, Тошкент Ислон университети мутахассислари таркибида ишчи гуруҳи тузилди.

Шунингдек, Ташқи ишлар вазирлигига мазкур асар (қўлёзма)нинг хорижий давлатлардаги кутубхона, архив ва музейларида сақланаётган электрон кўринишларини олиш борасида мактуб йўлланди. Ташқи ишлар вазирлиги орқали юборилган мактуб асосида Миср ва Қувайтдаги элчихоналаридан асарнинг электрон кўриниш (DVD диск)даги маълумотлари қўлга киритилди. Қувайтдан олинган электрон кўринишлар Сурия, Яман ва Ирландиядаги нусхалар эканлиги маълум бўлди.

Қўлёзма Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасига 1973 йил муҳри, 40658-сонли инвентар рақами ҳамда ПВ-63 рақамли шифри билан расмийлаштирилган. Китобнинг ундан олдинги тарихи бўйича Бухоро марказий кутубхонасининг китоб бўйича каталог муҳри, яъни рўйхатга олиш бўйича «Шарқ» (араб ёзувида) бўлимига оидлигини кўрсатувчи муҳр, 1334-сонли инвентар рақами ҳамда 24-сонли шифр билан қайд қилинган. Китоб араб тилида «суло» ва «насҳ» арабий хати (ёзуви) турларида ёзилган. Унинг бошидаги биринчи ҳамда охириги бетдаги варақлари йўқлиги сабабли Ҳадича Сулаймонова номидаги Республика суд экспертиза маркази орқали аниқлаш бўйича мактуб юборилди. Экспертиза маркази томонидан қадимий китоблардаги қогоз, қўлланилган сиёҳ ҳамда ишланиши ҳақида экспертиза ўтказилмаганлиги ва бундай техник жиҳоз йўқлиги ҳақида хулоса берилди. Демак, китобнинг ясалиши ва ёзилиши борасида, яъни унинг ёшини техник томондан аниқлаш иложи йўқлиги маълум бўлди. Бу борада айрим маҳаллий ва хорижий кодиколог олимларнинг тажрибаларидан фойдаланиб, умумий бир хулоса асосида маълум бир давр номинация реестрига киритилди.

Тадқиқотлар натижасида, асар кўпгина машҳур Фарб олимлари томонидан кенг ўрганилганлиги маълум бўлди. Айниқса, асар германиялик олим Максимилиан Энгер, голландиялик олим Соломо Кейзер, франциялик олимлар Леон Остророг ҳамда Эдмунд Фагнан, англиялик олимлар Асадулла Ейт ҳамда Вафаа Ваҳба, туркиялик олим Али Шафак ва бошқа олимлар томонидан таржималар ҳамда тадқиқотлар амалга оширилган.

Номинация реестрининг 5.3 банди бўйича ўз-ўзидан маълум бўлмоқдаки, биргина асар ёки тақдим қилинадиган тўплам бўлади-ми, деярли чуқур ва кенг тадқиқот ишларини олиб бориш кераклигини кўрсатмоқда. Яъни, асар умумжаҳон миқёсда, кенг олимлар жамоаси томонидан кенг ва чуқур ўрганилган ҳамда ижтимоий жараёнга таъсир этган бўлиши зарур.

Шу билан бирга, биргина китоб ёки бошқа бирон-бир ҳужжатли меросни «Жаҳон хотираси»га тақдим этиш жараёнида ахборот-кутубхоначилик фаолиятига таъсирини кузатиш мумкин. Масалан, ҳужжатли меросни «Жаҳон хотираси» дастурининг халқаро ёки минтақавий номинациясига киритиш учун манбанинг кутубхона/архив/музейдаги қайд тарихи, норматив-ҳуқуқий асослари, бошқа маҳаллий ёки хориждаги нусхалари ва ҳоказолар ахборот-кутубхоначилик мулоқотларини олиб боришга мажбурлайди.

Хулоса қилганда, Ўзбекистон қадимий асарларга бой ҳамда умумжаҳон маданий меросга таъсир қилган асарлари бўйича минтақа, ҳатто жаҳон миқёсида салмоқли ўрин эгаллайди. Ушбу масалаларни ҳисобга олган ҳолда, юқорида келтирилган маълумотларга кўра, олимлар ва мутахассислар учун қилинадиган ишлар кўплиги ҳамда жадал ва фаол ишлар олиб борилиши зарур эканлиги яққол намоён бўлиб турибди. Бу борада тизимли иш олиб бориш зарур. Масалан, миллий кўмита тизимини кўпгина соҳаларни қамраган ҳолда, пухта ишлаб чиқиш, жамоатчилик асосида масъулларни белгилаш ҳамда ушбу масалани ҳар бир масъулнинг хизмат вазифаларига алоҳида киритиб қўйиш зарур. «Жаҳон хотираси» дастури асосида республика, ҳатто ҳар бир вилоят Ахборот-ресурс марказ (АРМ)лари билан ҳамкорликлар олиб бориш ҳамда улардаги барча меросий ҳужжатлар ҳақида алоҳида-алоҳида маълумотларга эга бўлишни тақозо этмоқда. Дастур ҳақида республикадаги барча АРМлар тўлиқ маълумотга эга бўлиши мақсадида турли учрашув, мулоқот, тренинг, семинар ва бошқа шу каби тарғибот-ташвиқот тадбирларини ўтказиш мақсадга мувофиқ.

Фойдаланилган адабиёт ва манбалар:

1. Жаҳон хотираси дастурининг «Ҳужжатли меросларни сақлашда умумий бошқарув асослар» йўриқномаси (рус. Общие руководящие принципы сохранения документального наследия) (қаранг: <http://unesdoc.unesco.org/images/0012/001256/125637r.pdf>).

2. ЮНЕСКО «Жаҳон хотираси» дастурининг расмий веб-саҳифаси (қаранг: <http://www.unesco.org/new/en/communication-and-information/flagship-project-activities/memory-of-the-world/homepage>).